

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
МАРКАЗИ**

ЭРГАШОВ ЖАМШИД АШУРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ҲАМДА
ДАРОМАДЛАРНИ ОШИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Тошкент – 2023 йил

и.ф.ф.д. (PhD) Ж.А.Эргашов. Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириши ҳамда даромадларни ошириши масалалари. Монография. Т.: "IQTISODIYOT". 2023 йил. 132 бет.

УДК: 336.2:338(575.1)

и.ф.д., профессор М.Б.Калонов умумий таҳрири остида чоп этилган.

Такризчилар:

и.ф.д., доцент *Ф.И.Исаев*
и.ф.д. *У.Х.Нормурзаев*

Мазкур монографияда маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириши ҳамда даромадларни ошириши масалалари илмий асосланган.

Монография маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришнинг илмий-услубий асослари ва даромадларини прогнозлаштиришга оид илмий-назарий қарашлар таҳлили, маҳаллий бюджет даромадларини прогноз қилишда модел ва методларнинг аҳамияти, маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиши ва прогнозлаштириши амалиёти таҳлили, маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштиришнинг эконометрик таҳлили, маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириши даромад манбаларини шакллантиришнинг хориж тажрибасининг қиёсий таҳлили, маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилишни такомиллаштириши ва даромадлар базасини мустаҳкамлаш йўналишлари каби масалаларни ўзида қамраб олган.

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази Илмий кенгашининг 2023 йил 30 мартдаги 3/6-сон қарори билан чоп этишга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	4
I БОБ.	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	6
1.1-§.	Маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришнинг илмий-услубий асослари.....	6
1.2-§.	Маҳаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришга оид илмий-назарий қарашлар таҳлили.....	26
II БОБ.	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ ВА ДАРОМАДЛАРИ БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	37
2.1-§.	Маҳаллий бюджет даромадларини прогноз қилишда модел ва методларнинг аҳамияти.....	37
2.2-§.	Маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланиши ва прогнозлаштириш амалиёти таҳлили.....	49
2.3-§.	Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштиришнинг эконометрик таҳлили.....	74
III БОБ.	МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ДАРОМАД БАЗАЛАРИНИ МУСТАҲКАМАЛАШНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ	95
3.1-§.	Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш даромад манбаларини шакллантиришнинг хориж тажрибасининг қиёсий таҳлили.....	95
3.2-§.	Маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноз қилишни такомиллаштириш ва даромадлар базасини мустаҳкамлаш йўналишлари.....	105
	ХУЛОСА	115
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	119

КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган беқарорлик ва тебранишлар шароитида мамлакатлар амалиётида йиллик бюджетни шакллантиришда солиқ тушумларини прогнозлашнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Солиқ тушумларини прогнозлаштириш фискал ҳаракатлар барқарорлиги ва ташқи қарздаги муаммоларни ҳал қилиш учун фискал сиёсатни мувозанатлаш ҳолати тўғрисидаги маълумот манбаи ҳисобланади. “Давлат бюджети ходимлари миллий ассоциациясининг 2022 йил кузги ҳисоботида 2020 ва 2021 молиявий йилларни бирлаштирганда умумий жамғарманинг умумий даромадлари пировардида пандемиядан олдинги прогнозларга қараганда 2,2 фоизга юқори бўлганлиги аниқланди”¹. Ҳозирги даврда бюджетни аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва истиқболли баҳолашлар асосида ривожлантиришнинг мақбул йўллари ишлаб чиқиш ва асослаш каби масалалар мавзунинг долзарблигини оширмоқда.

Жаҳонда глобал миқёсдаги интеграция ва рақобатлашувнинг кучайиши шароитида давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштиришга доир илмий-тадқиқотларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Даромадларни прогнозлаш жараёнини башорат қилиш ва сифатли прогнозлаш, экспоненциал текислаш ва ягона тенглама регрессия прогнози, макроиқтисодий даромадларни прогнозлашда харажатларни прогнозлаш, ўрта муддатли бюджетни режалаштириш, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, дастурий-мақсадли усулда бюджетни режалаштириш услубиётини такомиллаштириш, давлат бюджети прогноз хатоликларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсири бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар бу борадаги устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишини

¹ The Resilience of State and Local Government Budgets in the Pandemic. By Jeffrey Clemens·March 29, 2022. University of California, San Diego. <https://econofact.org/the-resilience-of-state-and-local-government-budgets-in-the-pandemic>

таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, солиқ соҳасида қўшилган қиймат солиғини амалдаги 15 фоиздан 12 фоизгача, телекоммуникация, банк ва молия каби соҳаларда фойда солиғини амалдаги 20 фоиздан 15 фоизгача тушириш ҳамда хизмат соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, янгидан ташкил этиладиган савдо комплекслари ва меҳмонхоналар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш”² каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган харидлар учун тўловларни қайтариш орқали товар айланмаси ҳажми ва даромадларни ошириш, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкалари миқдорларни белгилаш, кўчмас мулк объектлари қийматини баҳолаш ва уларга нисбатан солиқ базаси миқдорини белгилаш тартибини такомиллаштириш орқали маҳаллий бюджетга жалб этиладиган қўшимча маблағлар манбаини яратиш, маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад манбаларининг кўп омилли эконометрик моделлари асосида истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – www.lex.uz

I-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришнинг илмий-услубий асослари

Давлатнинг бюджет тизимининг бирламчи асосини режалаштириш ҳисобланади. Режалаштириш ўз навбатида таркибий жиҳатдан даромадлар ва харажатларни режалаштиришни камраб олади. Бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатларини режалаштириш гарчи, улар мазмунан пул маблағларининг ҳаракатларини режалаштиришга хизмат қилсада, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятли жиҳатлари мавжуддир. Аслини олганда фикримизча, бюджетнинг даромадларини режалаштириш ундан қилинадиган харажатларнинг молиявий манбасини аниқлашга хизмат қилади, шу жиҳатдан молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш асосида уларнинг маълум бир қисмини жамият манфаатларига мос равишда қайта тақсимлашни амалга оширади, пул оқимларининг ҳаракатини таъминлайди. Давлат ўзининг иқтисодий функциясини бажариш мақсадида марказлаштирилган пул фондлари шаклидаги давлат бюджети орқали миллий иқтисодиётни бир маромда бошқариш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун унга зарур бўладиган молиявий маблағларга эга бўлишнинг муҳим воситаси сифатида ташкил қилинган бюджет тизими бюджетларини шакллантиришга иқтисодий зарурият туғилади. Бу иқтисодий зарурият эса турли даражадаги (давлат, маҳаллий, мунициал) бюджетларни тақозо этади.

Мантиқий ва услубий жиҳатдан олганда маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришнинг моҳиятини англаш учун аввало маҳаллий бюджетнинг ўзининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Аксарият иқтисодий адабиётлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ, Ўзбекистонда Давлат бюджети Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, ўз навбатида бюджет тизими бюджетлари эса, Ўзбекистон

Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларидан ташкил топади. Мазкур Кодекснинг 3-моддасида белгилаб кўйилганидек, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети - давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармасидир”³ деб белгилаб кўйилган бўлсада, аммо, маҳаллий бюджетга айнан таъриф келтирилмаган. Бироқ, ушбу моддада шунингдек, бюджет жараёнининг мазмуни келтирилган ҳолда, уни “бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш, уларнинг шакллантирилишини, тузилишини ҳамда ижросини назорат қилиш, бюджет тизими бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни”⁴ сифатида тавсифланган. Келтирилган мазкур икки таърифнинг мазмуни эса куйи даражадаги давлатнинг пул фондлари сифатида амал қилаётган маҳаллий бюджетларнинг хусусиятини кўриш мумкин. Худди Давлат бюждети сингари маҳаллий бюджетлар ҳам давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган бўлади, ўз навбатида маҳаллий бюджетлар Республикамизда бюджет тизимининг бюджети сифатида шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва ижро этиш босқичларини қамраб олади.

И.Мысляеванинг фикрига кўра, “давлат бюджети – бу давлатнинг асосий молиявий режаси бўлиб, унда бюджет пул муносабатлари тизими сифатида микдорий ифодаланади, ўз навбатида, айнан бюджет режаси – мамлакатнинг энг муҳим молиявий ҳужжати тузилади, кўриб чиқилади, тасдиқланади ва ижро этилади. У асосий марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича иқтисодий

³ <https://lex.uz/acts/2304138>. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 3-моддаси.

⁴ <https://lex.uz/acts/2304138>. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 3-моддаси.

муносабатларни акс эттиради.⁵ Ўзбек олими проф. Т.Маликовнинг таърифлашича, “Мамлакатнинг асосий молиявий режаси кўринишида қонуний расмийлаштирилган, давлат пул фондларини яратиш (шакллантириш) ва улардан фойдаланиш борасидаги иқтисодий (молиявий) муносабатлар мажмуи давлат бюджети дейилади”⁶. Бу келтирилган иккита таърифнинг моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, давлат бюджетининг давлатнинг муҳим молиявий режаси ва йирик пул фонди сифатидаги муҳим иқтисодий-молиявий ва ижтимоий хусусияти кўрсатиб ўтилган бўлса, қонун ҳужжати бўлган Бюджет кодексидаги юқорида келтирилган давлат бюджетининг таърифида ҳам айнан унинг давлатнинг пул фонди эканлиги тавсифланган.

Аммо, Ўзбекистондаги амалда бўлган қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларнинг моҳиятини очиқ берадиган нормалар берилмаган, шу боисдан маҳаллий бюджетлар Давлат бюджети тизими таркибида бўлганлиги сабабли биз унинг моҳиятини Давлат бюджетининг моҳиятидан келтириб чиқаришга ҳаракат қиламиз. Аввало, маҳаллий бюджетга берилган айрим иқтисодчи олимларнинг таърифларини таҳлил қиладиган бўлсак, А.А.Шернаев, Н.Э.Жияноваларнинг фикрича, “маҳаллий бюджет – Давлат бюджети нинг даромад манбалари ва улардан тушумларни, шунингдек, харажат йўналишлари ва молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратилган маблағлар миқдорини назарда тутувчи тегишли вилоят, туман, шаҳарнинг пул маблағлари жамғармасидан иборат қисмидир.”⁷ Ўз навбатида проф. Т.Маликовнинг таъриф беришича эса, “маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади”⁸.

⁵ Мысляева И.М. Государственные и муниципальные финансы: Учебник. Изд. 2-е, перераб. и доп. — М: ИНФРА-М, 2013. - 360, с. 100

⁶ Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия. Дарслик / Тошкент Молия институти. – Тошкент: 2019. 386-б.

⁷ А.А.Шернаев, Н.Э.Жиянова Давлат молиясини бошқариш. 5А230601 – «Давлат молиясини бошқариш», 5А230604 «Халқаро молия» магистратура мутахассислари учун дарслик. – Т.: ТФИ, 2019. – 365 б.

⁸ Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия. Дарслик / Тошкент Молия институти. – Тошкент: 2019. 887-б.

“Qomus.info/encyclopedia” миллий-илмий ахборот базасида келтирилган таърифга кўра, “**махаллий бюджетлар**-давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми. Маҳаллий бюджетларда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда тўловлардан ташкил топади. Маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳудудий ривожланишнинг молиявий манбаларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар ҳар бир мамлакат давлат бюджетининг ажралмас қисмидир.”⁹

Агар, маҳаллий бюджетлар билан боғлиқ хорижлик ва ватанимиз олимларининг бошқа фикрларини таҳлил қилганимизда, аксариятининг мазмуни юқорида келтирилган таърифларга ўхшаб кетади, яъни уларда ҳам маҳаллий бюджетларни давлат бюджетининг ажралмас қисми сифатида ва давлатнинг молиявий мажбуриятларини бажаришга қаратилган пул фонди эканлиги келтирилади. Юқорида келтирилган полимикал илмий таҳлилга асосланиб, биз ҳам маҳаллий бюджетларнинг хусусиятларини очиқ беришга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, маҳаллий бюджетлар бу давлатнинг молиявий режаси ҳисобланади. Молиявий режа эса, “умумий ва оддий кўринишда, молиявий режаларни тузиш ва амалга ошириш жараёни назарда тутилади. Молиявий режани, худди уни ишлаб чиқиш, яратиш ёки тузиш жараёни каби молиявий кўрсаткичларни ижодий таҳлил қилиш, умумлаштириш ва ўзаро боғлаш тизими сифатида тушуниш керак.”¹⁰ Молиявий режалаштириш ўз навбатида молиявий прогнозлаштиришни тақозо этади. Молиявий прогнозлаштиришсиз эса молиявий режалаштириш мукамал бўлмайди. Маҳаллий бюджетлар молиявий режа хусусиятига эга бўлиши, унинг элементлари бўлган: даромадлар, харажатларни прогнозлаштиришни талаб қилади. Маҳаллий

⁹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mahalliy-byudjetlar-uz/>

¹⁰ Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия. Дарслик / Тошкент Молия институти. – Тошкент: 2019. 133-б.

бюджетларнинг даромадларни прогноз қилиш эса ўз навбатида бошқа омилларга боғлиқ бўлиши билан биргаликда, уни такозо этувчи ҳолатлар ҳам мавжуд бўлади. Биз бу жараёни кейинроқ кўрсатиб ўтамиз.

Иккинчидан, маҳаллий бюджетлар пул фонди ҳисобланади ва шу хусусияти орқали у ўзида молиявий маблағларни ифода этади. Бу молиявий маблағлар эса, давлатнинг функциясини бажаришни молиявий жиҳатдан таъминланишига хизмат қилади. Бу ерда маҳаллий бюджетлар давлатнинг иқтисодий-ижтимоий функциясини бажаришнинг муҳим омили сифатида юзага чиқади. Давлатнинг молиявий-ижтимоий функциясини бажариш имкони максимал бўлиши ёки барчасини тўлиқ бажариш имкони чекланган. Албатта бу пул фондининг молиявий маблағларига боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида молиявий маблағларнинг ҳажмининг чамалашни амалга ошириб бориш зарур бўлади. Шу жиҳатдан олганда маҳаллий бюджетлар давлат функцияларини амалга ошириш воситасидир.

Учинчидан, маҳаллий бюджетлар миллий даромадни қайта тақсимлам туришга хизмат қилади. Маҳаллий бюджетлар орқали миллий иқтисодиётнинг тегишли ҳудуди доирасида мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмини шу ҳудудга тақсимлашни таъминлайди. Бу ерда маҳаллий бюджетларнинг макро ва микро даражада тақсимловчи молиявий инструмент хусусияти юзага чиқади. Маҳаллий ҳудудлар доирасидаги миллий иқтисодий ва молиявий сиёсатни амалга оширишда маҳаллий бюджетлар муҳим воситачи сифатида иштирок этади.

Тўртинчидан, маҳаллий бюджетлар мамлакат миқёсидаги пул ресурсларининг миллий иқтисодиёт манфаатлари нуқтаи назаридан оптимал тақсимланиб турилишини таъминлайди ва шу орқали ҳудудларнинг турли хил ривожланиши натижасида келиб чиқадиган молиявий тақчилликларни мувофиқлаштириб туради. Иқтисодий қонуниятга кўра, ҳудудларнинг бир текисда ривожланиши мураккаб масала ҳисобланади. Ҳудудлар миқёсидаги молиявий муаммолар миллий доирада тус оладики, бу давлат миқёсида юзага келган ҳудудларни молиявий барқарорлигини таъминлаш миқёсида

марказлашган пул фонди шаклидаги маҳаллий бюджетларга эҳтиёж туғилади. Маҳаллий бюджетлар бу ерда ҳудудлар ўртасида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш омили сифатида мавжуд бўлади. Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши табақалашуви мавжуд бўлар экан, ҳар бир ҳудудга тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадларини прогноз қилиш иқтисодий зарур бўлади.

Бешинчидан, маҳаллий бюджетлар инвестицион фонд сифатида мавжуд бўлади. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда асосий молиявий манба сифатида иштирок этади. Айниқса, ҳудудлардаги аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларда маҳаллий бюджетларнинг роли ошиб бормоқда. Маҳаллий доирасидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқ бўлади. Агар, маҳаллий бюджетларда молиявий маблағлар етарли бўлса, маҳаллий ҳокимиятларнинг муҳим бўлган-ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш функциясининг молиявий кўриниши сифатида юзага чиқади. Шу жиҳатдан олганда маҳаллий бюджетлар миллий иқтисодиёт даражасидаги ва ҳудудларга дахлдор бўлган давлат Дастурларини амалга оширишнинг молиявий имконияти кўринишида ҳам намоян бўлади.

Олтинчидан, бугунги кунда Янги Ўзбекистон шароитида аҳоли муаммоларини аниқлашнинг муҳим омили сифатида юзага чиқиб бормоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда “Очиқ бюджет” шаклидаги молиявий сиёсат доирасида “ташаббусли бюджет” лойиҳаларини амалга ошириш орқали маҳаллий доирадаги энг муҳим бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий бюджетлар асосий роль ўйнамоқда. Амалдаги тартибга кўра, “2022 йил 1 январдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилади, албатта бу Молия томонидан ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган


маблағларнинг 50 фоизини “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўллари таъмирлашга йўналтириш тартиби”¹¹ асосида амалга оширилади.

Еттинчидан, маҳаллий бюджетлар давлатнинг муҳим молиявий инструментларидан бири бўлган, бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг объекти бўлиб хизмат қилади. Давлат ўзининг молиявий сиёсати, аниқроғи бюджет сиёсати орқали бюджетлар ўртасида пул маблағларининг бир маромда бўлишини, уларда юзага келган молиявий тақчилликнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш мақсадида бюджетлараро муносабатларни тартибга солиб боради. Бунда маҳаллий бюджетларда эҳтиёжидан ортиқча бўлган¹² маблағларни молиявий маблағга ўта эҳтиёж мавжуд бўлган ҳудудларга ўтказиб туради. Шу орқали маҳаллий бюджетлар ўзларидаги мавжуд молиявий маблағларни ўз эҳтиёжларидан ҳамда миллий иқтисодиёт манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилишини таъминлайди. Шу орқали маҳаллий бюджетлар пул оқимларининг ўзаро ҳаракатларини йўналтириб туради, албатта, бунда давлатнинг бюджет сиёсати асосий роль ўйнайди.

Маҳаллий бюджет даромадлари таркиби Солиқли даромадларга белгиланган нормативларга мувофиқ, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар республика бюджети ва маҳаллий бюджет ўртасида тақсимланади.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5250-сонли қарори.

¹² Аслини олганда иқтисодий назарияга кўра, молиявий маблағларга бўлган чексиз бўлади, аммо, давлат ҳар бир ҳудудга зарурий бўлган минимал молиявий маблағ эҳтиёжидан келиб чиқиб маблағларни қайта тақсимлаб туради. Бу ҳам иқтисодий заруратдир.



1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджет даромадлари таркиби¹³

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар тўлиғича маҳаллий бюджетга ўтказилади. Солиқсиз даромадларга

¹³ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 52-моддаси.

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим, давлат божлари, йиғимлар, жарималар. Бошқа даромадларга, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, белгиланган нормативлар бўйича давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан олинган даромадлар, товон пуллари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган хазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва қонунчиликка мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Биз тадқиқот ишимизнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларга оид аниқ расмий таърифнинг Ўзбекистон қонунчилигида келтирилмаганлигидан, бугунги кунда Янги Ўзбекистон иқтисодиёти мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, ҳамда маҳаллий бюджетларга иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашларидан келиб чиқиб ўзимизнинг муаллифлик таърифимизни ишлаб чиқдик. Фикримизча “*маҳаллий бюджетлар деганда*-давлатнинг ижтимоий-иқтисодий функцияларини амалга оширишга хизмат қиладиган, миллий иқтисодиёт доирасида молиявий (пул) маблағларининг бир маромда тақсимлаб ва таъминлаб турадиган, давлатнинг бюджет сиёсатини муҳим молиявий инструменти сифатида аҳолининг турли хил ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини аниқлашга ва уни ҳал этишга йўналтирилган марказлаштирилган пул фонди бўлиб, у мураккаб молиявий режа сифатида Давлат бюджетининг муҳим бўғинидир”.

Бизнинг мазкур таърифимиз аввало маҳаллий бюджетларнинг ўзгарувчан давлат бюджет сиёсатини ўзида акс эттирса, бошқа томондан бюджет категориясига берилган классик ва замонавий таърифларнинг мазмун-

моҳиятини ўзида акс эттиради, шунингдек, миллий иқтисодиёт доирасидаги ислохотларнинг йўналишларини ифодалайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджетнинг мазмун-моҳиятини қуйидаги расмда ифодалаймиз.



1.2-расм. Ўзбекистон молия тизимида маҳаллий бюджетининг мазмун-моҳияти¹⁴

Тадқиқот ишимизнинг асосий мақсадларидан бири сифатида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини прогноз қилиш масаласи белгилаб олинди. Илмий тадқиқот методологиясига асосан ўрганилаётган объект яъни маҳаллий бюджетнинг мазмун моҳиятини юқорида очиб беришга ҳаракат қилдик. Энди, уни прогнозлаштиришнинг моҳиятини кўриб чиқишга тўғри келади. Бунинг

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

учун фикримизча, прогнозлаштиришнинг ядроси бўлган прогнознинг моҳиятини англашимиз лозим бўлади. Прогноз-грекча (prognosis) сўз бўлиб-“олдиндан кўра билиш, олдиндан айтиш” деган маънони билдириб, иқтисодий-ижтимоий моҳияти бу- кўзланган мақсадга эришишнинг илмий асосланган турли хил вариантларини баҳолаш ва ишлаб чиқишдан иборатдир.

Агар, прогноз категориясининг миллий манбаларимиздаги талқинига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбек тилининг изоҳли луғатининг “П” ҳарфи тўпламида “прогноз юнонча, “prognosis”-олдиндан билиш, илмий билишга асосланган башорат”¹⁵ деган изоҳ берилган бўлса, <https://uz.wiktionary.org/wiki/proгноз> миллий ахборот манбасида эса, “прогноз-бўлажак воқеа ёки ходисаларнинг қандай кечишини, ривожланишини ва оқибатини махсус изланишлар, мавжуд далиллар ва маълумотларга асосланиб, олинган айтиб бериш, олдиндан чиқарилган хулоса”¹⁶ мазмунида ифодаланган

Айнан шу мазмундаги таъриф <https://ru.wikipedia.org>. ахборот манбасида ҳам келтирилган бўлиб, прогнозни қисқа маънода, ўрганилаётган объектнинг келажакдаги ҳолати тўғрисидаги тафаккур сифатида баҳолаган. Айнан шу манбада, прогнозлаштириш тушунчасига прогнозни ишлаб чиқиш, у ёки бу жараённинг келгусидаги ривожланиши юзасидан махсус аниқ тадқиқот сифатида таърифланган.¹⁷

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, прогноз сўзи бу ижтимоий категория бўлиб, аввалдан кўра олиш ва хулоса чиқариш жараёнини тавсифласа, ўз навбатида прогнозлаштириш эса, ана шу категориянинг амалий жараёнини ифодалайди ва унда у ёки бу ҳодиса ва жараённинг келгусидаги ҳолатини аниқлашга қаратилган жараённи ифодалайди. Шу ўринда “прогнозлаш” - бу, иқтисодий тартибга солиш жараёнининг яна бир босқичи ёки мамлакат иқтисодий - ижтимоий ривожланиш дастурини ишлаб чиқишнинг бир қисмидир. Шу билан бирга бу нисбатан мустақил фан бўлиб, ўзига хос бир

¹⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғатининг “П” ҳарфи тўплами.
https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati.

¹⁶ <https://uz.wiktionary.org/wiki/proгноз>

¹⁷ <https://ru.wikipedia.org>.

канча белгилари билан фаркланади: прогнозлар директив характерга эга эмас, уларнинг миқдор баҳолари асосан эҳтимоллик характерига эга, улар кўпроқ даражада содир бўлган ривожланиш муамоларини аниқлашга ва уларни ечиш йўллари излашга қаратилган”¹⁸ деган таърифни келтириш мумкин. Бу таърифга кўра, прогнозлаш ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ривожлантиришга хизмат қилиши лозим.

Шу билан биргаликда айрим иқтисодчилар, масалан ўзбек олимларидан профессор А.Абдуллаевнинг илмий ёндошувига кўра, “ижтимоий-иқтисодий прогнозлаш, табиий фанлардаги прогнозлашдан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ аввало, шунда намоён бўладики, табиий фанлар объектини муайян мақсадга қаратилган таъсир воситасида бошқариш мумкин эмас. Шу сабабли атмосфера, гидросфера, биосфера ва хоказоларда рўй берадиган ходисалар маълум эҳтимолликда прогнозланади. Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кузатиладиган объектлардаги прогнозлаш бутунлай бошқача ҳолатда бўлади. Улар муайян мақсадга қаратилган ечимлар асосида бошқарилиши ва ўзгартирилиши мумкин. Бошқарув ечимлари объектнинг ҳолатини ва уни келгусида ривожлантириш ҳақидаги прогнозларни чуқур ўрганиш асосида қабул қилинади.

Прогноз қилиш турлари жуда кўп. Чунки, айтиб ўтганимиздек, табиат ва жамиятдаги ҳар қайси жараён ва ходисаларда ривожланиш жараёни давом этадики, уларнинг келгусидаги ҳолатини билишга интилиш прогноз жараёни орқали амалга оширилади. Прогноз тушунчаси ва унинг моҳиятини ўрганиш мақсадида уларни маълум бир мезонлар асосида гуруҳларга ажратиш мумкин. Шу жиҳатдан уларни ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қамраб олиши; кўлами ва функционал белгисига кўра гуруҳланади.


Бундай гуруҳлаш улар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг йўналишларини, яъни бир-бирига таъсирини аниқлаш имкониятини ҳам кучайтиради. Табиий-иқлим жараёнларни қамраб олувчи прогноз гуруҳига кирувчи прогноз турлари,

¹⁸ М.М.Ирматов, М.Т. Ҳайдаров “Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни прогнозлаштириш” - (Ўқув кўллама) – Т.: ТДИУ, 2005 йил, 3 б.

яъни, масалан, ресурсларни прогнозлаштириш ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича прогноз кўрсаткичларида муҳим роль ўйнаса, демогарфик прогнозлаштириш эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва пенсия фондининг маблағларини прогноз қилиш ҳамда реал жисмоний шахслар бўйича солиқ тўловчиларнинг динамикасини ҳамда аҳолининг даромад келтирувчи ва трансферт олувчилар ўртасидаги нисбатни кўрсатиб беради.

Илмий-техникавий жараёнларни прогноз қилиш ва унинг илғор натижалари оқибатида эса ишлаб чиқариш ва унинг омилларини жойлаштиришга имкон яратади, чунончи, атом электр энергиясидан фойдаланиш ва уни ишлаб чиқилиши энергия ишлаб чиқариш ва унинг истеъмолини аниқлашнинг прогноз кўрсаткичларига катта таъсирга эга, ахборот технологиялари соҳасидаги янги ўзгаришлар, бу соҳадаги прогнозлар янги турдаги “маҳсулотларни” беради, уларнинг амалга оширилиши эса бошқа соҳалардаги тараққиётни кучайтиришга хизмат қилиши билан бир қаторда прогноз жараёнларини тезлаштиришга ёрдам беради (масалан, Excel программаси, дастурий маҳсуллар, эконометрик ҳисобларни амалга оширувчи махсус программалар ва шу кабилар).

Прогноз турларини макро ва микро даражада гуруҳлаш улар ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш билан биргаликда прогнозни амалга ошириш жараёнларинининг ташкилий жиҳатлари ва уларда қўлланиладиган методлар, прогнознинг олдида қўйилган мақсад ва олинадиган натижаларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Макроиктисодий прогноз миллий иқтисодиёт даражасида кечадиган ва макро даражада юз берадиган умумий қонуниятларга бўйсинадиган жараёнларни қамраб олиб, миллий иқтисодиёт, соҳалар, тармоқлар, ҳамда халқаро муносабатларга оид прогноз кўрсаткичларини ифодаласа, микродаражадаги прогноз худудлар, корхоналар, жисмоний шахслар кесимида прогноз қилинаётган объектларнинг прогноз кўрсаткичларини акс эттиради.



1.3-расм. Прогноз турлари.¹⁹

Иқтисодий прогнозларни тўғри амалга ошириш фақат уларнинг ички хусусиятларини эмас, балки, бошқа омилларнинг хусусиятларини ҳам бирдек баҳолашни тақозо қилиб, бу иқтисодий прогнознинг бошқа прогнозлардан муҳим фарқини ифодалайди.

Масалан, аграр тармоқнинг ривожланиш кўрсаткичларида табиий-жуғрофий омилларнинг таъсири устун аҳамиятга эга, қайта ишлаб тармоғининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари эса кон рудаларининг жойлашув ва уларнинг таркибининг хусусиятларига кўпроқ боғлиқ бўлади. Иқтисодий прогнозлар функционал белгисига қараб туркумлаш уларни тадқиқ этишнинг йўллари аниқлашга хизмат қилади, шу жиҳатдан улар нормативли, изланувли, микдорий, сифатий ва комбинациялашган турларга ажратилади. Таъкидлаш лозимки, прогноз турлари ичида иқтисодий прогноз ҳам кўлами,

¹⁹ Муаллиф томондан ишлаб чиқилган.


хам мураккаблиги, қолаверса, бошқа прогнозларнинг умумий йўналишларини кўрсатиб беришда катта аҳамиятга эгадир (1.3-расм).

1.3-расмдан кўринадикки, иқтисодий прогнозлар ҳам кўлами, муддатлиги, функционал белгиси, жараёнларни қамраб олишига кўра маълум гуруҳларга бўлинади. Иқтисодий прогнозлар муҳим хусусияти шундаки, улар бир томондан иқтисодий қонунлар асосида мавжуд бўлиб ҳаракат қилса, бошқа томондан уларнинг ҳолатига таъсир этувчи омиллар ҳам ички жиҳатдан ҳам ташқи жиҳатдан таъсир этади.

Прогнозлаштириш бошқарув ечимларига қаратилган бўлиши керак, аввало шу соҳани бошқариш жараёнига таъсир қилиши лозим, демак, прогнозлаштириш у ёки бу ижтимоий-иқтисодий жараённинг келгусидаги ҳолатини имкон қадар аниқликда кўришни таъминлайдиган тизимли жараён бўлиб, у объектни ўрганишдан тортиб то якуний ҳулосалар олишгача бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни қамраб олади. Содда қилиб айтганда эса прогнозлаштириш бу-механизмдир.


1.4-расмдан кўриш мумкинки, иқтисодий прогноз объектларни қамраб олиш даражасига қараб гуруҳланишида молиявий прогноз катта аҳамиятга эгадир. Молиявий прогноз эса, фикримизча, ўз навбатида молиявий ресурсларни прогнози, марказлашган пул фондларини прогнозлаштириш, марказлашмаган пул фондларини прогнозлаштириш, солиқларни прогнозлаштириш, молиявий ресурсларни прогнози ҳамда бюджетни прогнозлаштириш каби муҳим таркибий қисмлардан иборат бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бюджетни прогнозлаштириш унинг даромадлари ва харажатларини қамраб олсада, харажатларни прогнозлаштириш унинг даромадлари прогнозига мувофиқ келиши шарт бўлса, (албатта бу ерда бюджет тақчиллигининг минимал ҳажми эътиборга олинган ҳолда), ўз навбатида бюджетларнинг даромадлар прогнози унинг даромадларининг режалаштирилишига мос келиши керак, аслини олганда фикримизча, бюджет жараёнининг энг муҳим ва нозик бўғини ҳам шундан иборат бўлади.



1.4-расм. Иқтисодий прогноз ва унинг турлари²⁰

²⁰ Муаллиф томонидан тузилган.



1.5-расм. Солиқларни прогноз қилишнинг молия сиёсатининг бошқа таркибий қисмлари билан ўзаро таъсири йўналишлари²¹.

Айрим илмий тадқиқот ишларида “бюджетни режалаштириш эса, бюджет жараёнининг муҳим ташкилий босқичларини қамраб олса, бюджетни прогнозлаштириш бюджетнинг барча даромад манбалари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаб беради. Бюджетни прогнозлаштириш ва солиқларни прогноз қилиш жараёни ўзаро боғлиқ бўлиб, солиқларни прогноз қилиш эса, бюджетнинг даромад манбаларининг солиқли даромадлари қисмини қамраб олади, бошқа даромад манбаларининг прогнози жараёни, ўз навбатида солиқни прогноз қилиш объектига кирмайди”.²² деб таъкидлаш билан биргаликда, бюджетни прогноз қилишнинг бошқа молиявий прогнозлар билан алоқасини кўрсатиб беради.

Умуман олганда маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришга бўлган эҳтиёжлар нималардан иборат бўлади деган масала муҳимдир. Иқтисодиётда шундан муносабатлар шаклланганки, улар маҳаллий бюджетларнинг


²¹ Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. 2019. 50 б.

²² Худойкулов С.К. Солиқ тушумларини прогноз қилиш методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. 2019. 52 б.

даромадлари ва харажатларини прогноз қилишни тақозо этади. Уларнинг ичида энг муҳими бу ҳудудларнинг нотекис ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг сақланиб қолиши, уларни ривожлантиришда маҳаллий ҳокимликларнинг маъсулиятини оширишнинг зарурлиги маҳаллий бюджетларни прогнозлаштиришни тақозо этувчи дастлабки муҳим омиллардан бири саналади. Бундан ташқари жаҳон амалиётида битта марказлашган пул фонди, масалан Республика бюджетидан барча субъектларни молиялаштириш имкониятини берувчи ҳолат мавжуд эмас, чунки, бу жуда мураккаб бўлса, бошқа томондан, ўта қалтис жараёндир. Шу боисдан ҳам маҳаллий бюджетлар доирасида молиялаштириш амалиёти иқтисодий жиҳатдан ўта муҳим саналади.

Шу ўринда битта иқтисодий аксиома борки, миллий иқтисодиётдаги энг мураккаб масалалардан бири бу молиявий маблағларни оптимал тақсимлаш муаммосидир. Маҳаллий бюджетлар миллий иқтисодиёт доирасида молиявий маблағларни оптимал тақсимлашнинг зарурлигини таъминлайди ва унга хизмат қилади, ўз навбатида маҳаллий бюджетларни тақозо этади. Жамият ва давлат бошқарувида ижро ҳокимликларнинг табақалашуви табиий ҳол ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимликлар доирасида жамиятни бошқариш ҳам жунё амалиётида ўз ижобий натижасини бериб келмоқда, ўз навбатида маҳаллий давлат ҳокимликларнинг иқтисодий функцияларни амалга оширишга молиявий маблағларга эҳтиёжнинг юқорилиги маҳаллий бюджетларни тақозо этиши, уларни молиявий маблағлар билан таъминлашда эса, даромадларни режалаштиришга асос бўлувчи прогнозлаштиришни зарурат қилиб қўяди.

Албатта, ҳар қайси иқтисодий жараён ва муносабатларни прогнозлаштиришга маълум бир омиллар таъсир қилади. Прогноз қилинаётган объект бўйича прогноздан кутилган мақсаднинг ҳай даражада аниқлиги уларга таъсир қилувчи омилларни тўғри аниқлаш ҳамда уларнинг прогноз кўрсаткичларига қанчалик таъсир қилганлигини баҳолаш даражасига боғлиқ бўлади.



1.6-расм. Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштиришни тақозо этувчи жараёнлар.²³

Албатта, маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштириш ва унинг натижаларига ҳам маҳаллий бюджетнинг қонуний даромадлари ҳамда ҳудудга хос бўлган бошқа айрим жиҳатлар муҳим омил сифатида таъсир қилади. 1.6-расмда келтирилган маҳаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришга таъсир этувчи омиллар таъсир даражасига қараб уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: Биринчи гуруҳ омилларига маҳаллий бюджетга бириктирилган солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси, ҳудуднинг молиявий ва иқтисодий салоҳияти, юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи солиқларнинг тақсимланиш даражаси, давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилигининг ҳолати кабиларни киритиш мумкин.

Чунки, бу омиллар маҳаллий бюджет даромадлари даражасига тўғридан тўғри таъсир қилади. Шу боисдан бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджет даромадларини прогноз қилишда биринчи навбатда албатта биринчи гуруҳ омилларини баҳолашдан бошлаш керак. Кейинги иккинчи гуруҳ омиллари сифатида қуйидагиларни: ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, ҳудуднинг инвестицион салоҳияти, ҳудуднинг жуғрофий, иқлимий

²³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳолати, ҳудуднинг суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати (қишлоқ хўжалиги ҳудудларда), ҳудуд аҳолисининг реал пул даромадлари даражаси, ҳудудда жойлашган корхона, ташкилотлар ва фуқароларнинг даромадларини реинвестиция қилиш даражаси ҳамда ҳудуднинг саноатлашув даражаси каби омилларни киритиш мумкин. Албатта бу омиллар ҳам маҳаллий бюджет даромадларини прогноз қилишда у ёки бу даражада прогноз натижаларига таъсир қилади. Ҳудуднинг ривожланиш даражасига қараб уларнинг таъсири ҳам турлича бўлади ёки иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг йўланишига қараб ҳам бу омиллар турлича таъсир кучига эга бўлади. Маҳаллий бюджет даромадларини прогнозлаштиришда ушбу омилларнинг таъсирини ҳам объектив баҳолаш зарур бўлади.



1.7-расм. Маҳаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришга таъсир этувчи омиллар.²⁴

Умумий хулоса қилиб айтганда ҳар қайси давлатнинг қайсики бюджет тузилиши бир неча босқичларидан иборат бўлган давлатларда маҳаллий

²⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

бюджет даромадларини режалаштиришда унинг ҳаққонийлиги ва ҳаётбахшлигини таъминлашда унинг даромадлар ҳажмини прогнозлаштириш жуда катта аҳамиятга эга. Бу эса, давлатнинг ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг қанчалик амалга ошишида муҳим саналади. Агар, маҳаллий бюджет даромадлари тўғри прогноз қилинса, албатта ўз навбатида маҳаллий бюджетлардан қилинадиган харажатларнинг йўналишларини тўғри аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Шу жиҳатдан олганда маҳаллий бюджетларнинг даромад кўрсаткичларини максимал даражада прогноз қилиш ўз аҳамиятига эга бўлиб, жуда мураккаб жараёнларни камраб олади.

1.2-§. Маҳаллий бюджетлар даромадларини прогнозлаштиришга оид илмий-назарий қарашлар таҳлили

Умуман олганда ҳар қандай прогнозни амалга оширилиш жараёнининг ижтимоий илдинини албатта инсониятнинг олами билиши ва унда унинг ўрни келажакда қандай бўлиши мумкинлигини билишга интилишига бориб тақалса, унинг иқтисодий илдинини кишилиқ жамиятида тақсимот муносабатларининг мураккаблашиб бориши, жамият цивилизацияси натижасида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ажралуви натижасида улар ўртасидаги нисбат(пропорцияни)ни ўрнатишга эҳтиёжнинг мавжудлиги ташкил этади.

Бошқача қилиб айтганда соҳалар ўртасидаги нисбат муносабатларини ўрнатиш эса давлатнинг жамиятда синфий сиёсий куч сифатида юзага келишини тақозо этади. Ўз навбатида эса давлат бундай пропорцияларни таъминлашда тақсимот муносабатларини тартиблашдан фойдаланади, яъни ишлаб чиқариш соҳасида яратилган қийматни қайта тақсимлаш мақсадида турли хил марказлашга пул фондларини ташкил этиш билан ҳал этади. Албатта бундай пул фондлари сифатида давлат бюджети(ҳазинаси)ининг манбаларини аниқлаш, уни чамалаш(прогноزلаш) давлат молия хўжалигининг муҳим кирралари сифатида намоён бўлади. Бундан кўринади, давлат жамиятда тақсимот муносабатларида фаол иштирок этиб, ўзининг фаолиятининг молиявий асосларини таъминлашга ҳаракат қилади, бундай молиявий

манбаларни жорий этиш, уни ундириш билан биргаликда унинг даражасини(келажакдаги хажмини) доим аниқлашб туриш унинг манфаатларига мос келади.

Манбаларга²⁵ кўра прогноз қилишнинг шаклланиши маълум бир босқичларга эга. Юқорида таъкидлангандек, дастлабки прогнозлаш ва режалаштириш башорат тусида бўлган. Бу жараён асосан фалсафий-тарихий шаклланиш деб аталиб, унда диний, хиссий ва философфик ёндошувлар устун бўлган ва эрамиздан аввалги IV-V асрларгача ушбу йўналишдаги башоратлар ҳукмрон бўлиб, фалсафий башоратларнинг асосини Платон ва Конфуцийлар таълимоти ташкил этади. Кейинги босқич XV-XVI асрларга тегишли бўлиб, бу босқичда назарий ва амалий ишланмалар чуқурлаштирилди, башоратлар инсоннинг ақлий фаолияти натижаларига таянилди ва башоратда ташқи муҳитнинг таъсирлари баҳоланди ва мантикий хулосаларга асосланди.

Бюджетни (хазинани) прогноз қилиш тушунчаси ва жараёни маълум шаклланиш ва ривожланиш аспектига эга. Қадимги дастлабки ва кейинги даврларда ҳам албатта, давлат хазинасининг молиявий манбаларини чамалаб боришда давлатнинг маълум бир шахслари, мансабдорлар, кейинчалик алоҳида бўлинмалари шуғулланишган, бу жараён давлатнинг шакли, унинг тузилиши, қолаверса иқтисодий сиёсатининг мазмунига қараб шаклланиб такомиллашиб борган. Бу масалага тарихий нуқтаи назардан қаралганда айрим тарихий далиллар буни исботлайди.

Масалан, қадимги Рим давлатида император А.Октавиан томонидан давлат хазинасига келиб тушадиган даромадларнинг хажмини аниқлаш мақсадида жойларда давлатнинг молияси шуғулланувчи давлат идораларини ташкил қилинди, ҳар бир ерларнинг кадастрларини аниқлаш, ҳар бир мол-мулк ва ер эгаларининг декларациялар топшириш мажбуриятлари жорий қилинди. Чунки, Рим империясининг бошқа босиб олган худудлари хажми кенг бўлиб,

²⁵Қаранг: Едронова, В.М. Прогнозирование налоговых поступлений в субъекте Российской Федерации/ В.М. Едронова, Н.Н. Акимов // Финансы и кредит. – 2008. - №17 – С.51-54.; Винокурова, Г.П. Налоги и налогообложение в Российской Федерации: учебное пособие / Г.П. Винокурова. – Йошкар-Ола.: МарГТУ, 2003. – 46 с.; Васильева, М.В. Методы налогового прогнозирования на макроуровне / М.В.Васильева // Управленческий учет. – 2011. - №6 – С.63-73.

улардан мажбурий тўловларни ундириш мураккаблашиб, уларнинг ҳажмини аниқлаш ҳам қийинлашиб борган эдики, оқибатда эса давлат даромадларининг ҳажмини аниқлаш ва уларнинг келгусида келиб тушиш эҳтимолларини аниқлаш ишларини ташкил қилишни тақозо этди.

Қадимги араб давлатларида жумладан, Муҳаммад Пайғамбардан кейинги даврларда давлат ҳукмдорди бўлган Умар ибн ал-Хаттоб даврида олиб борилган солиқлар сиёсатидаги ислохотлар натижасида бошқарув тизимини такомиллаштирилиб давлат хазинасига келиб тушадиган тушумларнинг ҳисобини олиш ва уларнинг келгуси даврдаги ҳажмини аниқлаб бориш мақсадида Девонлар ташкил қилинди. Девон – форс тилида «рўйхат», «қайд қилиш» ёки «дафтар» маъноларини англатади. Унда бир неча бўлимлар мавжуд эди. Жумладан, Аскарлар девони (الجدد ديوان) да аскарлар номи, кабилалар таркиби ва уларнинг ҳар бирига бериладиган маошлар белгиланган бўлса, Харож девони(الخراج ديوان)да эса «Байт ал-мол»га топшириладиган солиқлар қайд этиб борилган. Бу даврда девоннинг доимий таркибини ўз ичига олувчи рўйхат тузилган бўлиб, унда қирим ва чиқим, шунингдек, давлатдан маош олиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар рўйхати қайд этиб борилган.

Ватанимиз ҳудудида фаолият олиб борган Сомонийлар давлатида молиявий мабларни чамалаш ишлари анча ривож топган. Сомонийлар давлат бошқарувида 10 га яқин девонлар(вазирликлар) ташкил этилиб, уларнинг орасида давлатнинг молиявий масалалари билан шуғулланадиган Молия ишлар девонлиги тузилиб, унда давлат ғазнасига тушадиган барча даромадлар, жумладан солиқларнинг келиб тушиши ва ундан давлат манфаатлари йўлида сарфланиш масалалари билан биргаликда солиқ тушумларининг келгусидаги ҳажмини аниқлаш асосида харажатларни режалаштириш ишлари амалга ошириб борилган. Вилоят ва туманлар(шаҳарлар)дан солиқ йиғувчилар томонидан ундирилиладиган солиқларнинг ҳисоб-китоб ишлари ушбу девоннинг зиммасига юклатилган. Масалан, IX-XIII асрларда қадимги рус давлатларида ерларга феодал эгалик қилишнинг жорий этилиши, ер эгаларининг ўз ерларидан фойдаланганлиги учун турли хил тўловларни жорий

етиш билан бирга унинг келгусидаги ҳажмини аниқлаш ишларини ҳам ташкил қилган.

Албатта давлат фаолиятининг ривожланиб бориши билан унинг молиявий хазинасини тузиш, уни режалаштириш ҳамда даромадларни прогноз қилиш масалалари ҳам такомиллашиб борди. Бу борада кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилди. Қуйидаги ана шундай илмий тадқиқотларнинг мазмунининг назарий таҳлилларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Турли даражадаги бюджетларнинг даромад манбалари прогнозлаштириш муаммолари билан шуғуланиб келадиган хорижлик олимлардан С.Макридакс, С. Уилрайт ва В.МакГилар маҳаллий даражадаги бюджетларнинг даромадларини прогнозлаштириш бўйича ўзларининг методологиясининг моҳияти сифатида даромадларнинг манбаларини тўғри баҳолаш, уларнинг бюджетга жалб қилишнинг воситалари сифатида молиявий инструментлардан тўғри фойдаланишни таклиф этган, шунингдек, прогнозлаштиришнинг сабаб-оқибат ва даврий қаторлар усулларини таклиф этган.²⁶ Шунингдек хорижлик олимлардан С. Даннингер ўз тадқиқотларида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини режалаштириш ва прогнозлаштиришда барча давлатлар учун ягона методика ишлаб чиқишнинг имкони йўқли ва бу нарса ҳар бир мамалакатнинг миллий хусусиятидан келиб чиқиши лозимлиги ва бу борадаги муаммолар хусусида фикр юритади.²⁷

Ҳудуднинг маҳаллий бюджетининг даромадларини ўрта муддатли прогнозлаштириш бўйича илмий тадқиқотоилиб борган Е. Чимитдоржиева ҳудуднинг маҳаллий бюджетининг даромадларини прогнозлаштиришни солиқ тушумларини прогнозлаштириш сифатида баҳолайди ва “солиқли даромадларни прогнозлаштиришни солиқ режалаштиришнинг тайёргарлик босқичи сифатида баҳолайди, шунингдек, маҳаллий бюджетларни ўрта

²⁶ S Makridakis, S.C Wheelwright, V.E.McGee Forecasting, methods and applications. – New York, Malloy Lithographing, Inc., 1983. – 926.

²⁷ Stephan Danninger. Revenue Forecasts as Performance Targets (IMF Working paper WP/05/14). Washington, DC, International Monetary Fund, 2005.

муддатли прогноллаштиришни амалга оширишда қўлланиладиган методлар сифатида детерминистик, экспертли, вақт қаторлари, математик, экстраполяция кабиларни тавсия этган. Шунингдек, ҳудуднинг ўрта муддатли бюджет даромадларини прогноллаштиришнинг услубий асосларини кўрсатиб берган, маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларини прогноллаштиришнинг классификациялаштирган, маҳаллий бюджетни прогноллаштириш ва режалаштириш ўртасидаги боғлиқликни асослаб берган.²⁸

Маҳаллий бюджетнинг даромадларини режалаштириш ва прогноллаштириш борасидаги илмий тадқиқотлари билан танилган М.В.Котельникова ҳам ўз илмий тадқиқотларида маҳаллий бюджетлар даромадларини прогноллаштириш ва уни режалаштиришнинг долзарб муаммоларига эътибор қаратган. Унинг фикрича, “турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини прогноллаштиришда солиқларни прогноллаштириш ва солиқларни режалаштиришни таққослама хусусиятларини унинг объекти, субъекти, мақсади ва баҳолаш мезони сифатида қараш керак. Ва яна таъкидлайдики, маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини режалаштириш молия органларининг фаолияти бўлса, солиқларни режалаштириш эса солиқ хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш керак”.²⁹ М.В.Котельникова ўз тадқиқотларида шунингдек, маҳаллий бюджет даромадларини прогноллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодчилар: Е. Н. Евстигнеев и Н. Г. Викторова, А. М. Балтина, Е. И. Комарова, М. А. Троянская, И. И. Бабленкова, Л. С. Кирина, Г. Н. Карпова, Н. А. Горохова, И. А. Майбуурларнинг солиқли даромадларни режалаштириш маҳаллий ҳокимият даражасидаги фаолият, солиқларни режалаштириш эса, хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилади деган фикрларининг илмий талқини келтиради.

²⁸ Чимитдоржиева Екатерина Цыренжабовна. Среднесрочное прогнозирование налоговых доходов консолидированного бюджета региона. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иркутск – 2011. С.3-24.

²⁹ М. В. Котельникова. Дискуссионные вопросы сущности планирования налоговых доходов бюджетов. //Финансовая, налоговая и денежно-кредитная политика. №3. 154.